

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИСЛОҲОТЧИЛАРИ

Умида РАСУЛОВА

*филология фанлари номзоди, доцент
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети*

XX аср адабиётшунослигида ўзига хос ўринга эга Абдурауф Фитрат ва Абдулхамид Чўлпон ўз маслаги, интеллектуал салоҳияти билан ибрат бўлган. Инсониятни илму маърифатга чорлаган зиёлилар аср бошида янгиликни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатганлар. Улар миллий матбуот, усули савтия мактаби, театр, танқид шаклланиши ва ривожланишига раҳнамолик қилганлар. Муҳими, халқнинг онгини юксалтириш, ижтимоий мавқеини кўтаришга урғу бердилар. Миллий тил ҳамда адабиёт масаласига беписандлик фидойи олимларни жиддий ташвишлантиради.

Абдурауф Фитрат қомусий билим соҳиби эди. У мумтоз адабиётни, дин тарихи, адабиёт назариясини пухта ўзлаштирган. Унинг “Адабиёт қоидалари” қўлланмасида фанга доир қарашлар илмий тарзда асосланади. Масала моҳиятини теран англашда олимнинг бой тафаккури, илмий салоҳияти аён бўлади. Мазкур манба назарий масалалар борасида аниқ, пухта маълумот бериши билан эътиборга молик. Санъат турлари, адабиёт илми, услуб, маҳорат тушунчаларининг тугал изоҳи қўлланма қимматини оширади. Унинг “Тилимиз 1”, “Тилимиз 2” мақолаларида долзарб муаммо ўртага ташланган”. Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? “Туркча” деган мурожаат оҳанги замиридаги дард сезилади. Муаллифнинг турк тили тақдирига бефарқ эмаслиги, ҳақиқий манзара, ҳолатни баҳолашдан кўркмай дадил мулоҳаза юритгани кўринади. У, аввало, ҳар бир тилнинг нуфузи миллий ғурур билан боғлиқлигини таъкидлайди. Тилнинг бойлиги ифода имконияти шева хусусияти, лексик, фонетик жиҳатдан мукамаллиги билан белгиланишини таъкидлайди. “Муҳокаматул-луғатайн” асарида туркий тилдаги сўзларнинг тузилиши, қўлланиши борасида тугал хулосалар берилганини эслатади. Тилнинг бахтсизлигини далиллашда араб истилоси таъсирида муомалага жорий этилганини эътироф этиб, асрлар давомида етакчилик қилганини айтади. Форсий тилни шарафлаган Фирдавсий шижоатига тан берилиб, туркий тилнинг аро йўлда бўлишига беътиборлик, лоқайдлик сабаб бўлгани надомат ила таъкидланади. Фитрат буюк алломалар Ибн Сино, Форобий, Жавҳарий, Румий ва Низомий каби асли турк ўғлонларнинг форсийда асар яратганини афсус билан хотирлайди. Минг йил эзилса-да, туркча яшайди, бой бўлгани боис битмайди, тутмайди. Сўз қадри, унинг келажагини ўйлаган олим халқини, улусини миллий тилни эъзозлашга чорлайди. Тилимиз қадри бой берилган, соф қўллаш

имконияти йўқолган вақтда муаллиф бонг уриб, огоҳликка ундайди. “Турк тили қабодир, мусикаси тотсиздир, тарихи қоронғудир” мулоҳазалари замирида қайғу, алам мужассам. Турк тилидан араб, форс сўзларни чиқариш борасида истак билдирилади. Фитрат тилнинг мавқеини қўтариш хусусида таклиф киритади. Турк тилининг тутқунлигидан қайғуриб, турк халқига мустақил тил, у тилда илм истайди. Сўзларни соф ўзбекча қўллаш турк ёзувчисига вожиб. Туркчаси топилмаган сўзлар ўрнига турк қонунига мувофиқ сўз қўллаш деган асосли ҳақ гапларни айтади. Мазкур мақолалардаги илмий мулоҳазалар ҳануз долзарблик касб этади.

Фитрат кўп қиррали ижодкор бўлиб, оиланинг негизини мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясидаги масъулиятга урғу беради. У диний ва дунёвий билимларни пухта ўзлаштирган олим бўлиб, фақат миллати манфаати, халқи учун қайғурган чин инсон эди.

Миллатнинг келажагига масъулликни бурч санаган аллома Чўлпон адабий танқидий қарашлари доим мутахассислар эътиборида бўлган. Буни эътиқодига содиқ қолган чин инсон жасоратидан кўриш мумкин. Энг қалтис дамда буюк аллома адабиётнинг мангу мавзусини матонат билан тарғиб қилган. Чўлпон ўзбек адабиётининг жаҳон минбарида муқим ўрин эгаллаши йўлида тинмай изланади.

Мунаққид адабиёт, сўзнинг буюк кудратини асарлари орқали намоён этишга мушарраф бўлади. Унинг интилувчанлиги, изланувчанлиги жаҳон адабиёти намояндалари ижодини синчковлик билан кузатишида аён бўлади. “Марҳум Тавфиқ Фикрат”, “Ризо Тавфиқбек”, “Тагўр ва тагўршунослик”, “Тагўр кимдир ” ва “Улуғ Ҳиндий” каби мақолаларида уларнинг маънавиятни юксалтиришдаги ўрни, Шарқ ва Ғарб адабий алоқаларига қўшган ҳиссасига эътибор беради. У мутафаккир адиблар биографияси, ижод лабораторияси борасида атрофлича мушоҳада юритади. Жумладан, Тагорнинг санъат соҳасининг билимдони, маърифатпарварлик фаолияти борасида янги маълумотлар беради. Чўлпон жаҳон адабиёти намояндаларининг миллий адабиётдаги ўрнига ҳам эътибор беради. Муҳими, синчков мунаққид шарқона анъаналарнинг ғарб анъаналари билан синтезини ёқлаб, асосли таклифларни илгари сўради. Муаллиф адабиётдаги янгиланиш тамойилларини сингдираётган Ойбек, Боту, Қодирий ижодидан кўнгли қувониб, уларнинг соҳа тараққиётига таъсирини кўрсатади. Ёш мунаққид мақолаларида долзарб муаммолар босқичма-босқич ўрганилиб, ечими тақдим қилинади. Чўлпон Пушкин, Горький, Толстой асарлари таржимасига меҳр билан қарайди. Маҳорат борасида улардан кўп нарса ўрганганини айтади. Чўлпон театр, сценарий, актёрлар маҳорати ҳақида фикр юритиб, соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган нуқсону камчиликларни қайд этади. Театрга томошабинни жалб этиш борасида халқ орасида тарғибот ишларини

кучайтириш, уларни қизиқтириш йўллари излайди. Миллатнинг илму маърифатли бўлишини орзу қилган мунаққид бу йўлда енгиллик, қулайликни ўйлайди. У танқид ривожда матбуотнинг ролига алоҳида эътибор қаратади. Адабий ва бадиий танқид борасидаги назарий қарашларни илгари суради. Ундаги синчковлик ҳар соҳадаги муаммони теран англаб қайғуришида кўзга ташланади. Чўлпон мунаққидлик фаолиятининг бош кредоси адабиётни сўз санъати даражасига кўтариш, халқ маънавиятини юксалтиришда у орқали қалбу шууримизга таъсир этиш масаласи эди. Мунаққид санъатни қадрлаган халқ ҳеч қачон завоқ топмаслигини уқтиради. Чўлпон мунаққидлик фаолиятида ҳақиқатпарастлик, ҳозиржавоблик, холислик, жонкуярлик кўзга ташланади. У “500 йил” мақоласида Алишер Навоий ижодини юксак қадрлаб, мутафаккирнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини эътироф этади. Чўлпон Навоий шахсини абадийлаштириш борасида таклиф киритиб, олий ўқув юртига, шаҳар кўчаларига номини беришни орзу қилади. Қалтис дамда матонат билан буюк сиймолар ҳақида бундай фикр юритиши жасорат. Мунаққид истаги рўёбга чиқиб, Алишер Навоий шахси издошлари томонидан улуғланди.

Мунаққиднинг “Адабиёт надир” мақоласи фаолияти асл моҳиятини ёритган, десак муболаға бўлмайди. “Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдирғон, ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладирғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви бўлғонликдан бизга ғоят керакдир” – деган ҳикмат инсониятга маёқ бўлиб, эзгулик, маърифат манзилига етаклайди. Зукко мунаққид адабиёт яшаса – миллат яшар деган фалсафани шиор айлаб бутун фаолияти давомида унга амал қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фитрат А. Танланган асарлар. –Т., 2005.
2. Чўлпон. Адабиёт надир? –Т., 1994.